

Мусулмонларни қийнаётган масалалар муҳокама қилинади



15:08 / 12.03.2019 1677

Буюк Британиядаги Ислом тадқиқотлар маркази ва Кардифф университети ҳамкорлигида ташкил этиладиган конференцияда мамлакат мусулмонларининг олдидаги энг долзарб муаммолар ҳақида фикр юритилади. Бу ҳақда IQNA хабар бермоқда.

Тадбир 2019 йилнинг 16 март куни университет биносида бўлиб ўтади. Унда мусулмон тадқиқотчилар билан бир қаторда ғайрисломий тадқиқот марказларининг ходимлари ҳам ўз хулосалари билан иштирок этишади. Анжуманда Кардифф, Оксфорд, Бристонл, Бирмингҳем ва Лондон университетлари профессор-ўқитувчилари ва олимлари ўз маърузалари билан қатнашадилар. Асосий мақсад инглиз мусулмонлари эътибор қаратишлари ва бу борада нималар қилиш лозим, деган масалада умумий қарашларни ойдинлатиришдан иборатдир.

Islom.uz портали таҳририяти